

Қулай сармоявий муҳит самарадорлиги

Истиклол йилларида иқтисодиётимизни барқарор суръатларда ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири-хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, қулай инвестициявий муҳитни қарор топтириш ва хорижий инвесторларга кенг имтиёзлар ва преференциялар бериш борасида ғоятда муҳим ишлар амалга оширилди. Шунинг баробарида хорижий инвестициялар фаолиятини тартибга солиш ва уни жадал суръатларда ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Бугунги кунда юртимизда хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмоқда, уларга яратилаётган имтиёз ва преференцияларни янада кучайтириш ва либераллаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Айтиш керакки, амалдаги "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонунда чет эл инвестицияси, чет эллик инвестор, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхонага аниқ таъриф берилган.

Шунингдек, қонунда чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳамда бу борадаги кафолатларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган солиқ қонунчилиги қўлланилиши кафолатланди.

50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида 50 га яқин тадбирлар белгиланган бўлиб, унинг асосий қисми тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга (17 та норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда 20 га яқин қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш) қаратилган.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, Адлия вазирлиги тизимида хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида бошқарма ҳамда ҳудудларда унинг таркибий бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Яъни хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланишига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Масалан, бу борада жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ўтказилган ўрганишларда жами 1.138 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик мақсадида тегишли идораларга 179 та тақдимнома киритилди, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини бузган 227 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди.

Мисол учун ўрганиш давомида "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Жалақудуқ тумани филиали томонидан "Спз-Бирингз" қўшма корхонасининг техник маълумот бериш тўғрисидаги мурожаатига кечикиб жавоб хати берилган.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳолат юзасидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилди ва жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ туман судига тақдим этилди. Суднинг қарорига кўра, филиал бош муҳандисига нисбатан жарима жазоси қўлланилди.

Умуман айтганда, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб, судларга жами 3,9 миллиард сўмлик 199 та даъво аризаси киритилди ва суд қарорларига мувофиқ корхоналар ихтиёрига 2,8 миллиард сўм миқдоридаги маблақ қайтарилиши таъминланди. Масалан, Андижон шаҳридаги "Уз-СэМюнг Ко" қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг жараёнида "Андижон иккиламчи қора

металл" шўъба корхонасининг қўшма корхонага нисбатан қарздорлиги мавжудлиги аниқланди.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг қарорига биноан, шўъба корхонадан "Уз-СэМюнг Ко" қўшма корхонасига 154 миллион сўмдан ортиқ қарздорлик ундирилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга яратилган имкониятлар ва имтиёзлар рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда хорижий давлатлар билан мамлакатимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Адхам ТУРДИЕВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими